

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК – ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

«ИҚТИСОДИЁТ» ФАКУЛЬТЕТИ

“ИҚТИСОДИЁТ” кафедраси

5610100 - “Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш ”

**4 курс ФХБ - 444 гуруҳ талабаси Худойқулов Азизининг “Қишлоқ хўжалиги
ишлаб чиқаришини ташкил этиш” фанидан**

К У Р С И Ш И

*Мавзу: “Бозор муносабатлари шароитида фермер хўжаликларида ишлаб
чиқаришни интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ва уни
ошириш йўллари”*

Топширди:

ФХБ – 444 гуруҳ талабаси Худойқулов Азиз

Қабул қилди:

“Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

А.Б Қурбонов

Курс иши ишига топшириқ

“Тасдиқлайман”
Кафедра мудири
А.И.Рахматуллаев
“ ” 2014 йил

Талаба. Худойқулов Азиз

Таълим йўналиши; 5610100 - “Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш ”

Курс иши ишининг мавзуси: Бозор муносабатлари шароитида фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ва уни ошириш йўллари

1.Курс иши раҳбари: А.Б. Қурбонов

2.Курс ишининг мақсади; Ўзбекистонда фермер хўжаликлари ташкил этишнинг ташкилий иқтисодий асосларини ўрганиш, унинг ривожланиш босқичларини таҳлил қилиш ва истиқболда фермер хўжаликлари ривожлантиришнинг асосий йўналишларини кўрсатиб беришдан иборат.

3.Курс иши режаси:

т/р	Курс ишининг бўлимлари	Курс иши бўлимининг номи	Бажариш муддати
1	Кириш	Кириш	01/03-2014
2	1-боб	Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг назарий ва илмий асослари	10/03-2014
3	2-боб	Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш ҳолати ва маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси ўзгаришлари таҳлили	25/03-2014
4	3-боб	Иқтисодий эркинлаштириш шароитида фермер хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари	04/04-2014
5	Хулоса ва таклифлар	Хулоса ва таклифлар	18/04-2014
6	Фойдаланилган адабиётлар	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	25/04-2014
7	Иловалар	Иловалар	

4.Курс ишини бажариш учун зарур бўлган материаллар; а) Адабиёт манбалари; мавзуга оид маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий асарлари ва бошқа иқтисодий адабиётлар б) Қонуний меъёрий ҳужжатлар; Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президент фармонлари ва қарорлари ҳамда бошқа локал меъёрий ҳужжатлар в) статистик ва бошқа маълумотлар; Ўзбекистон Республикаси макроиқтисодий ва алоҳида олинган қорхонанинг камида уч йиллик маълумотлари

5.Тасвирий материаллар; график, чизма, жадвал, диаграмма, расм ва бошқалар

6.Топшириқ берилган кун; 01-03. 2014 йил

7.Ишни топшириш муддати; 26-04. 2014 йил

8.Илмий раҳбарнинг курс ишини ҳимояга қўйиш ҳақида
хулоса _____

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти

Мухандис техника факултети, “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш” кафедраси 5610100 - “Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш” бакалавр таълим йўналиши талабаси Худойқулов Азизнинг курс ишига

Такриз

Курс иши мавзуси; “Бозор муносабатлари шароитида фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ва уни ошириш йўллари

Курс иши мавзусининг долзарблиги ва топшириққа мослиги; Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар, тармоқни модернизациялаш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан янгилаш, мамлакат ижтимолий иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Шу сабабли қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш, тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ҳам миқдор жиҳатидан ҳам сифат жиҳатининг кўпайтириш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Тармоқни интенсивлаштириш бугунги глобал инқирознинг иккинчи тўлқинланиш даврида, аҳоли ва саноатнинг қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотига бўлаган ошиб бораётган талабини қондиришнинг муҳим йўли саналади. Шу сабабли ушбу мавзу долзарб саналади.

Курс иши ёзма изох ва график материалларининг таркиби ва бажарилиш сифати; Курс иши иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, мавзу назарий ва амалий жиҳатдан тўла ёритилган. Талаба фермер хўжалиги маълумотлари асосида таҳлилий усуллар ёрдамида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини тўла ёритишга ҳаракат қилган.

Курс иши ишда илмий манбалар, фан техника ютуқлари ва илғор тажриба натижаларидан фойдаланилганлиги; чи талаба уш бу Курс иши ишини ёзишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари ва бошқа локал ҳужжатлар, ҳамда фан техниканинг энг сўнги ютуқлари ҳамда илғорлар тажрибасидан фойдаланган.

Курс иши ишнинг ижобий томонлари; Курс иши ишида илмий асосда ишлаб чиқилган фикр ва тавсиялардан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланилса, тармоқ ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришга эришилади, ҳамда тармоқнинг иқтисодий самарадорлиги ошади, пировардидла аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб, халқ фаровонлигига янада эришилади.

Курс иши ишнинг баҳоси(максимал баҳо -100 балл); малакавий ишини 86 балл билан баҳолайман

Курс иши раҳбари:

Қурбонов Алишер Бобоқулович
“Иқтисодиёт”
кафедраси катта ўқитувчиси

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

Муҳандис техника факултети, “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш” кафедраси 5610100 - “Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш ” бакалавр таълим йўналиши талабаси Худойқулов Азизнинг курс ишига

Т А Қ Р И З

Курс иш мавзуси: “Бозор муносабатлари шароитида фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ва уни ошириш йўллари

Курс иши мавзусининг долзарблиги ва топшириқга мослиги фермер хўжаликларини ривожлантиришда юзага келаётган энг муҳим муаммолардан бири – уларни моддий-техник жиҳатдан таъминлашда намоён бўлмоқда. Мамлакатимиз Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Хозирги вақтда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг энг самарали шакли эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Юртимизда фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадаган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда Ушбу муаммолар мавжудлиги боис, қишлоқ хўжалиги моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланишни такомиллаштириш курс ишининг долзарблигини белгилайди

Курс ишининг ёзма изоҳ ва график материалларининг таркиби ва бажарилиш сифати Курс иши 3 та боб ҳар бир бобни қамраб олувчи саволлар, хулоса ва таклифлар фойдаланилган адабиётлар руйхатида иборат

Курс ишда илмий манбалар, фан-техника ютуқлари ва илғор тажриба натижаларидан фойдаланганлиги Ўзбекистон Республикаси Қонунларидан, Президент асарларидан ва фармонларидан, Вазирлар Маҳкамаси Қарорларидан, илмий адабиётлардан, фан техника тараққиёти ютуқларидан, интернет маълумотларидан кенг фойдаланган.

Курс ишнинг ижобий томонлари Курс аниқ фермер хўжалагининг маълумотлари асосида ёзилган ва таҳлил қилинган.

Курс ишининг баҳоси (максимал баҳо-100) 87 балл (87%)

Такризчи:

Р.Омонов

(имзо)

(фамилияси, исми, шарифи)

«_____» _____ 2014 йил

Кириш

Мавзунинг долзарблиги: Қишлоқ хўжалиги – Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизига яқини аграр сектор тармоқларида тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги истеъмол бозорига барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда пахтани қайта ишлаш, ёғ-мой саноатига хомашё етказиб бериши билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати ва бошқа саноат тармоқлари маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалланинг харид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секторида таркибий сифат ўзгаришлари юз бермокда

Пахта ва ғалла каби стратегик муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари билан бир қаторда, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди, қайта ишлаш тармоқлари ва ички бозорни сут, гўшт, картошка, сабзавот каби энг муҳим озиқ-овқат ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада кўпроқ тўлдириш учун мустаҳкам хомашё базаси яратилмокда.

“...юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди. Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошди.

Агар ўн йил олдин, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 24 фоизни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишда 7,7 ва 12,4 фоизни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 3¹7 фоиздан 49 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30,1 фоиздан 17,5 фоизга тушди”.

Ҳозирги мураккаб иқтисодий жараёнлар шароитида аҳолини ошиб бораётган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш учун аграр соҳада кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни янада тақомиллаштириш, тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва улардан олинган даромадларни муттасил ошиб боришини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А.Каримов бугунги глобаллашув шароитида мамлакат иқтисодиётини рақобатбардошлигини ва унинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш, жаҳон аренасида ўз ўрнига эга бўлиши учун мамлакатда аграр соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, уни замонавий технологиялар билан таъминлаш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил қилиш зарурлигини кўрсатиб берди. Шунинг учун ҳам уш бу мавзу долзарбдир.

Мавзунинг мақсад ва вазифалари: Мавзунинг мақсади, бугунги мураккаб иқтисодий жараёнлар шароитида мамлакат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини замонавий технологиялар билан қуроллантириш ва шу асосда маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори ва сифатини ошириш, тармоқда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

¹Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси

- Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажаришни режалаштирганмиз;
- Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг назарий ва илмий асосларини ўрганиш
 - Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш тўғрисида тушунча унинг иқтисодий моҳиятини аниқлаш.
 - Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг асосий омиллари аниқлаш
 - Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг кўрсаткичлари тизимини ўрганиш.
 - Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш ҳолати ва маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси ўзгаришларини таҳлил қилиш
 - Фермер хўжалигини ташкил этилиши, жойлашган ўрни, ихтисослашуви ва ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланиш ҳолатини ўрганиш
 - Фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришига таъсир этувчи омиллар ва маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси ўзгаришлари таҳлил қилиш
 - Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фермер хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатиб бериш.
 - Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, уни техник ва технологик янгилаш тармокни интенсив ривожлантиришнинг асоси эканлигини илмий жиҳатдан асослаш
 - Қишлоқ аҳолисини ижтимоий иқтисодий ривожланишини таъминлаш-фермер хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлантириш асоси эканлиги илмий жиҳатдан асослаб бериш
 - Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида меҳнат, ишлаб чиқариш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш- ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шарти эканлигини илмий жиҳатдан очиб бериш.

Мавзунинг амалий аҳамияти: Курс иши ишлаб чиқилган назарий ва амалий ишланмалар, илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқаришга татбиқ этилса, фермер хўжаликларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш таъминланиб, унинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсив ривожланишига эришилиб, макроиқтисодий барқарорлик таъминланади.

Курс иши ишининг таркибий қисми ва ҳажми, Курс иши ишининг таркибий қисми кириш, учта боб, хулосалар ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар ҳамда иловалардан иборат

1.606. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг назарий ва илмий асослари

1.1. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш тўғрисида тушунча унинг иқтисодий моҳияти.

Янги ХХІ асрнинг бошларига келиб, Президентимиз И.А.Каримов мамлакатимиздаги ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари – мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш, жамият маънавиятини янада юксалтириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш, жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз ва давлатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашни белгилаб берди. Ҳар бир йўналиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олиниб, изчил равишда ҳаётга татбиқ этилди. Натижада мамлакатимиз иқтисодиётидаги барча ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқ ва соҳаларида туб бурилишлар ва ўзгаришлар юз бермоқда.

“Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларини оптималлаштириш, пахта ва ғалланинг харид нархларини ошириш бўйича амалга оширилаётган изчил ишлар натижасида иқтисодиётимизнинг аграр секторида таркибий сифат ўзгаришлари юз бермоқда”.²

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларида инновацияларни киритилиши оқибатида мамлакат иқтисодиётида чуқур иқтисодий силжишлар кузатилмоқда. **Инновация** – фан ютуқлари ва илғор тажрибадан фойдаланишга асосланган техника, технология, меҳнатни ташкил қилиш, бошқарув соҳасида янгилик киритиш.

Инновация жараёни – янгилик ғоясини ривожлантиришдан унинг пировард истеъмолчи томонидан истеъмол қилинишигача бўлган мантикий изчилликда ҳаракатланувчи жараён. Бу янгиликнинг илмий-техник, ишлаб чиқариш-иқтисодий ва ижтимоий-ташқилий салоҳиятини яратиш, ривожлантириш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Инновация жараёнининг қуйидаги босқичлари мавжуд: янгиликни яратиш, уни ўзлаштириш, тарқатиш ва такомиллаштириш.

Иқтисодиёт фани ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг икки йўлини бир-биридан фарқ қилади. Биринчи йўл экстенсив ривожланиш йўли бўлиб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши ишлаб чиқариш жараёнига янги ва янги ресурслар (ер, чорва молларининг сони ва ҳ.к.) жалб қилиш ҳисобига таъминланади. Бунда маҳсулот ҳажмининг кўпайиши асосан ишлаб чиқариш омилларининг кўпайиши ҳисобига юз беради.

Ишлаб чиқариш ресурсларини кўпроқ жалб этиш натижасида ривожлантиришга экстенсив ривожланиш йўли деб баҳо бериш қабул қилинган. Бу йўлнинг имкониятлари чекланган. Чунки барча ишлаб чиқариш ресурслари – ер, сув, меҳнат ресурслари, техника, хомашёлар, барча барчаси чекланган.

Дарҳақиқат, ҳар бир давлатнинг ҳудуди, ер ресурслари чекланган бўлиб, уни хоҳлаганча кўпайтириш мумкин эмас. Ресурслар чекланган ҳолда инсонларнинг, ишлаб чиқариш талаб ва эҳтиёжлари ўсиб боради. Бундай ҳолда ишлаб чиқаришни

² Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

ривожлантиришнинг бошқа йўлини топиш зарурати туғилади. Бу йўл – интенсив ривожланиш йўлидир.

Қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланиши – бир гектар ер ёки бир бош чорва молига сарфланаётган меҳнат ва моддий сарфларни ошириш эвазига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришдир. Ер бирлиги ёки бир бош чорва молигасарфланадиган меҳнат ва моддий харажатлар самарасиз ўсиши мумкин эмас. Интенсив ривожланишнинг иқтисодий моҳияти шундаки, сарфланаётган меҳнат ва моддий харажатларнинг ўсиши нисбатан олинаётган маҳсулот миқдори тезроқ ўсиши керак. Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир бирлиги таннарни нисбатан камайиб бориши лозим. Интенсив ривожланиш йўлининг имкониятлари чекланмаган бўлиб, ресурслар танқислиги ёки чекланганлиги шароитида жуда муҳим аҳмиятга эга. Шу сабабли ҳам мамлакат иқтисодиёти тармоқларини, жумладан, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш ҳар бир давлат иқтисодий сиёсатининг асосини ташкил этади.

Интенсивлаштириш ўз моҳиятига кўра, қишлоқ хўжалигида маълум чегараларга эга. Масалан, қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлашда ҳар бир технологик жараён учун оптимал агротехника муддатлари мавжуд. Ер ҳайдаш учун ер ҳайдовчи трактор, экиш учун маълум миқдордаги экиш агрегати, ҳосилни ўриш учун (дончиликда) комбайнлар бўлиши керак.

Ҳар бир экин тури учун зарур минерал ўғит миқдори белгиланган. Агарда меъёрдан ортиқ минерал ўғит солинадиган бўлса, экиннинг ҳосилдорлигига салбий таъсир этиб, унинг камайишига ҳам олиб келиши мумкин. Бу, ўз навбатида, интенсивлаштиришнинг маълум даражада чекланганлигидан далolat беради. Бу масаланинг ечими фан – техника тараққиётидир. **Фан – техника тараққиёти деганда фаннинг, техниканинг ва технологиянинг барқарор ривожланиб бориши тушунилади.** Бошқача қилиб айтганда, фан – техника тараққиёти – мавжуд билимлар натижасида уларнинг бойитилиши ва бойитилган билим асосида янги унимли техникалар, прогрессив технологияларнинг яратилишидир. Олдингисига қараганда унимли техника ва технологиялар яратилиши натижасидагина интенсивлаштириш чексиз ривожлантирилиши мумкин.

“Биз ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини оширишга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажмини бундан буён ҳам кўпайтириб борамиз. Айни пайтда ушбу мақсадлар учун йўналтирилаётган катта миқдордаги маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларни мақсадли ишлатиш, замонавий технологиялар ва техникани жорий этиш борасидаги ишларни ҳам тартибга солишимиз лозим. Шуни тан олиш керакки, чорвачилик, ғаллачилик, картошкачилик каби соҳаларда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва уни амалда қўллашга, бизнинг иқлим шароитимизда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган замонавий суғориш тизимлари ва энергияни тежайдиган технологиялардан фойдаланишга етарлича эътибор берилмаяпти.

Масалан, чорвачилик соҳасини оладиган бўлсак, бу борада ишга солинмаган катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлаш ўринлидир.

Бу ўринда гап фақат ўзига хос иқлим шароитлари билан эмас, балки энг асосий масала бўлмиш замонавий технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ эканини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.³

³ Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

Фаннинг ривожланиши натижасида ўсимлик ва чорва ҳайвонларининг янгидан – янги хусусиятлари очилмоқда. Натижада, ушбу янги хусусиятлар талабидан келиб чиққан ҳолда технологиялар ўзгаради ва маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди. Бу борада фан – техника тараққиётининг ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга таъсири чекланмаган. Ишлаб чиқаришга қишлоқ хўжалиги экинлари янги навларининг жорий этилиши билан интенсивлаштириш янада кучаяди. Ҳозирда пахта ва буғдойнинг серхосил навлари яратилмоқда. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигини янги босқичга кўтаради. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ишлаб чиқариш концентрациясини оширади, корхоналарда ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни кучайтиради. Ихтисослашувнинг кучайиши ишлаб чиқаришнинг механизациялашиш жараёнини оширади, маҳсулотлар бирлиги таннархининг нисбатан ошиб кетмаслигини таъминлайди. Бу эса, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самараси ошишига олиб келувчи асосий омиллардан биридир.

Иқтисодий фан интенсивлаштириш кўрсаткичларини икки бўлиб ўрганади. Биринчи гуруҳга интенсивлаштириш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар киритилади. Бу кўрсаткичлар интенсивлаштиришнинг бир томонини ифода этади. Яъни, интенсивлаштириш даражаси маълум экин тури, чорва ҳайвонлари учун танланган технология бўйича меҳнат ва моддий харажатлар сарфи оширилишини кўрсатади. Бу кўрсаткичларда бир гектар экин майдонига, бир бош чорва ҳайвонига сарфланаётган (харажатларнинг) ресурсларнинг миқдори ифода этилади. Буларга қуйидагилар киради;

1. Экин майдони бирлигига тўғри келадиган асосий активлар ва айланма маблағларнинг миқдори. Бу хўжаликда мавжуд асосий активлар ва айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматини ер (экин майдони, ҳайдаланадиган ерлар ёки қишлоқ хўжалиги ерлари) майдонига бўлиш билан аниқланади.

2. Бир бирлик ер майдонига тўғри келадиган жорий харажатлар миқдори.

3. Бир бирлик ер майдонига тўғри келадиган жонли ва буюмлашган меҳнатнинг умумий миқдори.

4. Бир бирлик ерга тўғри келадиган энергетик қувватлар миқдори.

5. Ҳар 100 гектар ерга тўғри келадиган чорва молларининг бош сони.

Ана шу кўрсаткичлар тизими интенсивлаштиришнинг даражасини ифода этади.

Интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар унинг иқтисодий моҳиятини очиқ беради. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги бир қанча кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Уларга қуйидагилар киради.

1. Ҳосилдорлик, ц/га.

2. Ер майдони бирлигидан олинаётган ялпи маҳсулот.

3. Бир бирлик ер майдонидан олинадиган фойда миқдори.

4. Меҳнат унумдорлигининг ошиши.

5. Маҳсулот бирлиги таннархининг нисбатан пасайиши.

6. Рентабелликнинг ўсиши.

7. Фонд қайтимининг ошиши.

Ана шу кўрсаткичлар тизими ёрдамида интенсивлаштиришнинг самарадорлиги аниқланади.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш доимий ривожлантириш талаб этилади. Қишлоқ хўжалигида интенсивлаштириш қуйдаги асосий йўналишларда олиб борилади: кимёлаштириш – қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг асосий йўналишларидан биридир. Самарали минерал ўғитларни ишлаб чиқариш, уруғларга кимёвий ишлов бериш, турли касалликлар ва зараркундаларга қарши курашиш ва шу

кабилар.Кимёлаштиришсиз қишлоқ хўжалигида сезиларли муваффақиятга эришиш мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг бошқа бир йўналиши – ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштиришдир. Меҳнат унимдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг самарали фаолият кўрсатиши иш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш даражасига боғлиқ. Оғир иш жараёнларини машиналар ёрдамида бажариш нафақат иқтисодий самарадорликни оширади, балки оғир ишлардан кишиларни озод қилиш, ижтимоий масалани ҳам маълум даражада ижобий ҳал этишга олиб келади.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг бошқа бир йўналиши ишлаб чиқаришни электрлаштиришдир. Электр имкониятларидан фойдаланмасдан ишлаб чиқаришнинг бугинги ривожини кўриш мумкин эмас.

Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланиши кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқариш қонуни асосида амалга ошади.Бу ривожланишга экстенсив ривожлантириш ва интенсив ривожлантириш йўлларида фойдаланган ҳолда эришилади.

Фермер хўжалигини экстенсив шаклда ривожлантириш деганда маҳсулот ишлаб чиқариш ва самарадорликни ўсишини миқдорий омиллар эвазига - янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига экин майдонларини кўпайтириш, чорва молларини бошини кўпайтириш ва қўшимча ишловчиларни жалб этиш орқали эришилиши тушунилади. Бунда ишлаб чиқариш ресурслари кўламларининг ортиши юз бергани ҳолда техника технологияси, сифат даражаси, ер унимдорлиги ва чорва моллар маҳсулдорлиги тубдан ўзгармайди.

Экстенсив омиллар деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Одамлар ўз тарихининг дастлабки даврлардан бошлаб, ўзлари ўзлаштирган ерларни тарқ этиб унимдор ерларни қидириш учун ер шарининг ҳар томонига тарқалганлар. Янги ерларни ўзлаштириш ҳозирги даврда бизнинг мамлакатимиздаги каби дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам давом этмоқда. Шу билан биргаликда дунё мамлакатларининг ривожланиш тарихи тажрибаси шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигини юксалтиришни нисбатан самарадорлик ва аҳамиятироқ шакли бўлган интенсивлаштириш муҳим ўрин тутди.

Фермер хўжалигини ривожлантиришнинг интенсив шаклида- маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши сифат омиллари эвазига, яъни ишлаб чиқаришга нисбатан такомиллашган замонавий ишлаб чиқариш ресурсларини тадбиқ этиш (улардан тўла ва самарали фойдаланиш), деҳқончилик ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигига ижобий таъсир этувчи илғор технология, илмий-техника тараққиёти натижалари, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишнинг замонавий усуллари жорий этиш орқали амалга оширилади. Шуни ҳам назардан четда қолдирмаслик керакки, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг экстенсив шакли баъзи ҳолларда самарали бўлиши мумкин, шунга мувофиқ ҳар доим экстенсив шаклни самарасиз деб таъкидлаш фикри ўзини оқламайди. Амалда бу икки йўл ишлаб чиқаришни ривожланишида бир-бирини тўлдириб, пираворида умумий иқтисодий самарадорликни ортишига олиб келади. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида айрим ҳолатларда экстенсив ўсиш омиллари ва интенсив ўсиш омилларини биргаликда қўллаш натижасида самарага эришилади.Улар ягона хўжалик фаолиятига хос усуллар бўлиб, бир вақтнинг ўзида иқтисодий ўсишда ҳам миқдорий (экстенсив), ҳам сифат(интенсив) жиҳатлари мавжуд бўлади, аммо уларнинг нисбати ҳар хил мутаносибликда бўлади. Иқтисодиётда қўл меҳнати технологияси ва малакаси иш кучига асосланган, экстенсив ўсиш устун туради. Аксинча, ишлаб чиқариш машиналашган, серурум технология ва юксак малакали иш кучига таянган жойда интенсив ўсиш биринчи ўринда туради, ишлаб чиқариш ривожланган сари қонуниятли тарзда интенсив ўсишнинг аҳамияти барқарор ошиб боради.

Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш назарияси авваломбор ер хусусиятини ҳисобга олиш, уни қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси

эканига асосланади. Маълумки ерни асосий восита сифатида муҳим хусусиятларидан бири уни чегараланганлигидир. Ерни чегараланганлиги ўз навбатида қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришни тақозо этади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни кўшимча ер майдонларини ўзлаштириш орқали амалга ошириш чегараланганлиги ишлаб чиқариш олдига мавжуд ўзлаштирилган ерларни сифатини яхшилаш, бинобарин, улардан интенсив фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради.

1.2.Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг асосий омиллари.

Фермер хўжалиги интенсивлаштириш - кўп жиҳатли жараён бўлиб, ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришда қуйидаги омиллар муҳим ҳисобланади:

1).Иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуриш. Фермер хўжалигини юксалтиришни бирламчи масалаларидан бири хўжаликда иқтисодий муносабатларини ўзгартириш, деҳқонларга кам харажатлар сарфлаган ҳолда кўплаб сифатли маҳсулот етиштиришга интилиш ҳиссиётига эга бўлган ернинг ҳақиқий эгалик ҳуқуқини яратиш. Фермерларга мустақил ҳаракат этиш, тадбиркорлик ва ташаббускорликни амалга оширишга замин ярата оладиган хўжалик юритишнинг турли мулкчиликка ва шаклига асосланган муҳитни яратиш.

2).Етиштирилган маҳсулотларни асраш, уни нобудгарчилигини олдини олиш. Қишлоқ хўжалигини мавсумийлик хусусиятига мутаносиб ҳолда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш. Қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг турли мулкчилик шакллари кенг ривожлантириш орқали ишлаб чиқаришда сақлаш, қайта ишлаш шохобчаларини яратиш. Маҳсулотларни нобудгарчилигини олдини олиш билан бир қаторда уларни ташиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш.

3).ҚФермери хўжалиги ишлаб чиқаришини кимёлаштириш. Ишлаб чиқаришни кимёлаштириш асосида ернинг унумдорлигини ошириш орқали деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришга қаратилган тадбирлар ётади:

а)Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни оширишга қаратилган минерал ўғитларни қўллаш тадбирлари;

б).Кимёвий воситалардан бегона ўтларга қарши курашиш тадбирлари;

в).Ўсимлик ва чорва молларининг зараркунанда ҳашоратлари ва касалликларига қарши курашишда кимёвий воситалардан фойдаланиш тадбирлари;

г).Чорва молларини тўйимлигини оширишда кимёвий маҳсулотларни кенг қўламда қўллашга қаратилган тадбирлар;

д) Қишлоқ хўжалиги чорва молларининг маҳсулдорлигини оширишда кўшимчалардан фойдаланиш.

4).Мелиорациялаш - суғориш, зах қочириш, ерни оҳаклаш, шўрни ювиш тадбирларини ўз вақтида, сифатли амалга ошириш тадбирлари;

5).Ресурс талабчанлиги кам бўлган интенсив технологияларни қўллаш. Деҳқончиликда мавжуд технологияларни такомиллаштириш муҳим бўлиб, уларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

а).Илмий асосланган ўғит меъёрларини қўллаш орқали қишлоқ хўжалиги экинларининг озуқа талабчанлигини оптималлаштириш;

б).Қишлоқ хўжалик экинларини интенсив навларини ишлаб чиқаришга тадқиқ этиш;

в).Ердан ва бошқа асосий воситалардан самарали фойдаланишни кўзда тутган ўсимликларни жойлаштиришнинг рационал усуллари ишлаб чиқиш;

г).Қишлоқ хўжалик машиналарини такомиллаштириш орқали агротехника тадбирларини амалга оширишни қисқартириш ва қўшиб олиб бориш;

д).Маҳсулотларни йиғиш, ортиш ва ташишдаги тадбирларни такомиллаштириш.

б).Чорва молларининг таркиби сифатини ва уларнинг озуқа базасини яхшилаш. Чорвачиликни интенсивлаштиришнинг муҳим омили пода ҳаракати ва сифатини яхшилаш ҳисобланади. Бунга юқори маҳсулдор моллар наслларини яратиш билан боғлиқ тадбирлар

киради. Чорвачиликни ривожланишида унинг мустаҳкам озуқа базасини яратиш муҳим бўлиб, озуқа таркиби, кўлами ва унинг сифатини яхшилашга қаратилган тадбирлар;

7).Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ихтисослаштиришни такомиллаштириш. Фан-техника тараққиёти таъсирида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кучларини ривожланиши ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви тинимсиз юксала боради. Шу билан бирга иқтисодий асосланган қишлоқ хўжалик корхоналарининг оптимал ўлчамлари, уларни меҳнатга мувофиқ ихтисослашувига, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини кўтаришга, фан-техника ютуқларини амалиётга тадбиқ этилишига замин яратилиб, натижада маҳсулот етиштиришни самарадорлигини оширишга эришилади.

8).Мутахассисларнинг малакасини ошириш. Қишлоқ хўжалигига фан ютуқларни тадбиқ этишда кадрларни мутахассислик савиясини ва техник тайёргарлик даражасини оширмай туриб эришиш мумкин эмас. Қишлоқ хўжалигида мутахассисларни малакасини ошириш биринчидан, мутахассисларга мураккаб ва илғари амалга ошира олмаган ишларни бажариш учун уларни малакасини ошириш ва кўшимча касбларни эгаллашига замин яратиш, иккинчидан нисбатан юқори сифатга эга бўлган маҳсулот олиш, учинчидан маълум бир вақт оралиғи давомида аввалдагидан кўпроқ маҳсулот кўламини етиштириш ёки хизматлар ҳажмини бажаришга имкон яратиш;

9).Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқлари ва илғорлар тажрибасини тадбиқ этиш. Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш суръатларини ошириш ва унинг самарадорлигини кўтаришда фан ютуқлари натижаларини тадбиқисиз тасаввур этиб бўлмайди. Фан-техника соҳаларидаги ютуқлар ишлаб чиқариш кучларини янада юксалтирувчи муҳим омил бўлиб, ишлаб чиқариш ресурслари қаторида ишлаб чиқариш жараёнларида иштироқ этади. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришда амалиётда мавжуд бўлган илғор тажрибалар натижасини таҳлил қилиш ва уларни ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ қилиниши катта аҳамият касб этиб, маҳсулот кўламини кўпайишига ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

2.боб. Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш ҳолати ва маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси ўзгаришлари таҳлили

2.1. Фермер хўжалигини ташкил этилиши, жойлашган ўрни, ихтисослашуви ва ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланиш ҳолати

Ўзбекистонда барча соҳа тармоқларда булгани сингари аграр тармоқда ҳам олиб борилган туб иқтисодий ислохотлар узининг ижобий натижасини курсатмоқда. Мамлакатда амалга оширилган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ишлари тармоқда давлат мулкани ислох қилиш, давлат хужаликларини тугатиш ва унинг негизида жамоа мулкига асосланган ширкат хужаликларини тузиш билан амалга оширилиб, ислохотлар босқичида ширкатлар негизида фермер хужаликларини ташкил қилиш ишлари давом эттирилди.

Ўзбекистонда «Фермер хужаликларини ривожлантиришнинг 2003-2008 йилларга мулжалланган концепцияси»га асосан усимликчиликка ихтисослашган барча ширкатлар тугатилиб унинг негизида фермер хужаликлари ташкил этилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув хужалиги вазирлиги тасарруфида 126 та чорвачиликка ихтисослашган ширкат хужаликлари фаолият юритиб келмоқда ҳолос.

2013 йилда Президент И.А.Каримовнинг ташаббуси билан “Ўзбекистон Фермерлар Кенгаши” ташкил этилди. Бу фермерликни ривожлантириш учун қўйилган янги бир қадам бўлди.

Мамлакат иқтисодиётининг ривожига аграр тармоқнинг улуши катта бўлиб, тармоқ ривожининг асосий қисмини фермер хўжалиги ишлаб чиқариши ташкил этмоқда. Бугунги кунда стратегик аҳамиятга эга бўлган пахта ҳом ашёсининг 99,9 фоизи, ғалланинг 90 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Кишлоқ хўжалигининг иқтисодий шароити таҳлил этилаётганида унинг жойлашган ери, туман ва вилоят марказига, темир йўл станциясига, маҳсулот топшириладиган ва сотадиган омборга яқин-узоқлиги эътиборга олинади. Ер-сув, меҳнат ва моддий-техника ресурслари, тураржой, маданий-маиший бинолар билан таъминланганлиги, уларнинг газлаштирилганлик ва телефонлаштирилганлик даражаси ўрганилади. Чунки айти шу омиллар кўп ва арзон кишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари етиштириш имконини беради; шаҳар аҳолисининг кишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга, ширкат ва фермер хўжаликларида ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш тармоқларини ривожлантиришга шароит яратади.

Кишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштиришда юк ташиш шароитлари ҳам ҳисобга олиниши керак. Улов воситалари талаб доирасида бўлмаса, сут, сабзавот, картошка ва сифати тез бузиладиган бошқа маҳсулотларни ўз вақтида манзилга етказиб бериш ва сотиш қийинлашади. Маҳсулот сифати бузилиши натижасида корхона иқтисодий зарар кўради.

Кейинги йилларда, соҳада меҳнат интизомини мустаҳкамлаш эвазига меҳнатни турлича ташкил этиш, иш вақтини беҳуда сарфламаслик, режалаштиришни такомиллаштириш, малака ошириш каби, умуман, меҳнат ва ишлаб чиқаришга ижобий таъсир қилувчи кўплаб самарали шакл ва услублар юзага келди. Меҳнатни самарали ташкил қилишга, табиийки, техника ва технологик жараёнларни такомиллаштирмасдан

туриб эриша олмаймиз. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга фақат меҳнатни ташкил қилишни илмий ва амалий натижалар асосида такомиллаштириш эвазига эришамиз, дейдиган олим ва амалиётчилар фикрига тўла қўшиламиз.

Маълумки, тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик даври бошқарув тизими бир хўжаликда меҳнатни ташкил қилишнинг турли шакллари жорий қилишни тақозо этди. Корхоналар учун меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари, аввало, уларнинг ихтисослашиши, марказлашиши, ривожланиш йўналишлари, аҳоли пунктларининг жойлашиши, ҳудуднинг хусусиятлари ва техника билан қуролланганлиги, қисқаси, механизациялаш даражаси бўйича танланади. Буларнинг барчаси ишлаб чиқариш шакллари такомиллаштиришга бевосита боғлиқ.

Республикамызда бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва АСМнинг унга ўтиши соҳада ишлаб чиқаришни такомиллаштиришни тақозо этди. Маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизими ўзини оқламади, Амалдаги ишлаб чиқариш шакллари меҳнаткашларни ер ва ишлаб чиқаришдан четлаштирган эди. Негаки, шўро даврида соҳада иқтисодий муносабатлар уларнинг фаол, тадбиркорона фаолиятларини рағбатлантира олмади.

Жамиятда қишлоқ хўжалиги объект сифатида қатор хусусиятларга эга. Хусусан, қишлоқ хўжалиги меҳнатида ўзига хос ишлаб чиқариш воситаси сифатида ердан фойдаланилади, меҳнат сифатига алоҳида муносабат талаб қилинади. Қишлоқ хўжалигида ишчи иш тажрибасига эга бўлиши ўта муҳимдир. Аграр секторнинг иккинчи муҳим хусусияти шундаки, унинг ижтимоий таркиби ўзига хос. Бу ерда бозор иқтисодиёти шароитида турли иқтисодий муносабатларга хос шакллардаги хўжаликлар фаолият юритади. Бундай шароитда, яъни ишлаб чиқариш ва бошқарув шакллари ўртасидаги соғлом муҳит хўжаликнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги хўжалик юритиш амалиётида хўжалик юритишнинг янги шакллари яъни ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари юзага келади. Иқтисодий ислохотлар натижасида мулкни давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши жамиятда кўп укладли иқтисодиётни шаклланишига олиб келди. Мулкчиликнинг турли шакллари асосланган хўжалик юритувчи субъектлар бугунги кунда самарали фаолият юритмоқда. Бозор иқтисодиёти даврида турли шаклдаги мулкнинг бўлиши туфайли жамиятда ижтимоий адолат тикланади, «ҳар кимнинг қобилиятига яраша, ҳар кимнинг меҳнатига яраша» тамойили ўз қадрига эга бўлади.

Президент И.А.Каримов республикамызни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарувчи ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари зарурлигини, чунончи, қишлоқ хўжалиги ва унга боғлиқ тармоқларни устувор ривожлантириш, ҳозирги босқичда ерни сотишга йўл қўймасдан, давлат мулкчилигини сақлаш кераклигини таъкидлаганлар.

Зарар кўраётган давлат хўжаликлари дастлаб жамоа хўжаликларига айлантирилди. Ҳозирги кунда бундай хўжаликлар деҳқон ва фермер хўжаликлари, кичик корхоналар, оилавий пудрат ва ижара жамоаларига асосланган йирик кооператив хўжаликларга айлантирилмоқда.

Бозор муносабатларининг ҳозирги босқичида, аввало, барча мавжуд маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари инсоннинг ўй-фикрлари, фаолияти, унга бахтиёр ҳаётни инъом этишга бўйсундирилган бўлмоғи лозим. Қишлоқда хизмат кўрсатиш маданиятига алоҳида эътибор бериш тақозо этилади. Биринчидан, қишлоқда ижтимоий инфратузилма ва унинг ажралмас қисми – хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали аҳолининг турли хизматларга бўлган эҳтиёжи қондирилса, иккинчидан, ортиқча меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммоси ҳал қилинишига ёрдам беради. Бундан ташқари, шу соҳада банд аҳоли даромадлари ҳамда давлат хазинаси маблағларининг (солиқлар орқали) шаклланиш даражаси ортади.

Деҳқон ва фермер хўжаликларига ерларнинг ижарага берилиши, ҳосилнинг деҳқон ихтиёрида бўлиши ва уни хоҳлаган жойда сотиш эркинлиги, бўш ва ташландиқ ерларни

ўзлаштирганлардан солиқ олмаслик ёки уларга кам солиқ солиш, фойсиз кредит бериш, маблағ билан таъминлаш каби эътиборли сиёсат ишбилармон деҳқонлар учун ташландик ерлар, тоғ бағри, адирлар ва жарликлардаги бўш ерларни ўзлаштириш имконини яратди.

Ўзбекистон илғор мамлакатлар қаторига кириши учун ишлаб чиқариш, хусусан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг инфратузилмасини замонавий саноат асосига қуриб, қайта ишлаш саноатини шакллантириши лозим. Қишлоқда саноатлашган меҳнат кўринишига ўтиб, фақат деҳқончилик билан боғланиб қолмаслик, қишлоқ ижтимоий-сиёсий ривожланишининг муҳим шarti эканлиги англаб етилмоқда, меҳнат соҳаларига, қишлоқ ижтимоий муаммоларини ҳал этишга нисбатан янгича қарашлар шакллана бошлади.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги даражасининг юқори эмаслиги ижтимоий тараққиётга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бозор муносабатлари шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги миграция жараёнига ҳам таъсир кўрсатади, чунки қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳасининг кам ривожланганлиги кўпгина кишиларни, хусусан, ёшларни иш ахтариб шаҳарга келиши ёки ишлаб қилишларига сабаб бўлиши мумкин. Иш билан таъминлаш соҳасида шаҳар маълум устунликка эга, имкониятлари кўпроқдир.

Қишлоқ жойларида эса бугунги бозор муносабатлари янги хўжалик юритишга ўтаётганлиги бир томондан, ишчи ўринларининг қисқаришига олиб келмоқда, иккинчидан (мулк шаклининг ўзгариши, жумладан, ширкат хўжалигига айланиши, санацияга тушиши, банкротга учраши) эса, янги меҳнат тармоқлари ва хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш энг долзарб вазифага айланмоқда.

Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун сифатли ва серхосил эртапишар уруғ навларини яратиш асосида тармоқ самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

2.2. Фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришига таъсир этувчи омиллар ва маахсулот ишлаб чиқариш динамикаси ўзгаришлари таҳлили

Дунёдаги индустриал мамлакатлардаги иқтисодий тараққиёт заминида, аввало, меҳнатни ташкил этиш, уни корхоналарга фойда келтирадиган соҳаларга йўналтириш натижасида ҳар бир корхона ва фирма катта даромад олмоқда. Бир-бирига ҳар томонлама ёрдамлашадиган, психологик, астрологик жиҳатлардан бир-бирига мос келадиган кишиларни танлаб олиш натижасида ташкил этилган жамоа доимо тараққиёт сари интилади, жамоа аъзолари тадбиркорни янги ғояларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун яқиндан ёрдам беради.

Ҳар бир корхона эгаси корхонасининг иқтисодий фаолияти ривожини таъминлаш учун ишловчиларни танлаб олиш орқали уларнинг ҳар бирига бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб беради, ўз навбатида, бажарилган ишни қабул қилиш тадбиркор зиммасига тушади.

Бозор муносабатларини шакллантириш шароитида меҳнат унумдорлиги юқори бўлишини таъминлаш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан биридир. Бусиз тармоқда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга, таннархини арзонлаштиришга эришиб бўлмайди. Меҳнат унумдорлигини ошириш учун, аввало, ички хўжалик ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш лозим. Ўз харажатларини ўзи қоплаш бирламчи ишлаб чиқариш бўлимлари даражасида амалга оширилиши зарур.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир корхона ишлаб чиқаришнинг тухтовсиз усиши, маҳсулот сифатини оширилиши ва унинг уз вақтида сотилиши, шунингдек, режалаштирилган фойда ва даромадни уз вақтида олиш асосида узининг гуллаб яшнашини таъминлашга интилади. Шу сабабли корхона фаолияти куп мақсадли ва динамик характерга эга булади. Биринчидан, фан-техника тараққиётига йўналтирилган, иккинчидан, ишлаб чиқариш кувватлари ва ресурсларидан самарали фойдаланишга

эришувчи ва учинчидан эса, бозор конъюнктурасига уз вактида ва тезкорлик билан жавоб бериши мумкин булган корхона ривожланади ва гуллаб-яшнади.

Бозор конъюктураси ва ракобат, талабга мос равишда чиқарилаётган махсулот тавсифномасига узгартириш киритиш имкониятлари билан боглик булган узок муддатли дастур талаб килинади. Бу вазифа одатда истикболга йуналтирилган корхона фаолиятини жорий режалаштириш жараёнида аниқланган курсаткичларни тартибга солиш йули билан бажарилади.

Шу сабабли куплаб корхоналар бозор конъюктурасининг узгариб туришини хисобга олган холда ишлаб чиқариш технологиясига оператив узгартиришлар киритиш хамда бунда асбоб-ускуна ва курилмаларнинг имкониятларини кенгайтириш, бутловчи кисмлар ва материалларни бир хиллаштириш, махсулот сифатини ошириш ва ассортиментини кенгайтиришга мажбур буладилар.

Корхона фаолиятини режалаштириш вазифалари кайсидир маънода маълум булгани сабабли уни режалаштириш ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш жараёнида тартибга солиш замонавий фан томонидан нисбатан кам тадқиқ этилган ва умумлаштирилган. Бу ерда амалиёт назариядан анча илгарилаб кетган. Шундай булсада корхона фаолиятининг олдиндан белгилаб куйилган курсаткичларини тартибга солишга туғри келади. Бу исътемомчилик талабини узгартиришдан ташқари, корхона ҳаётида ва иктисодий мухитда руй бераётган янги вазиятлар, хом-ашё ва материаллар таъминотчилари билан алоқалар, сиёсий вазият ва ҳақозоларга боглик булади. Корхоналар фаолиятини тартибга солиш – бу ходиса ва жараёнларни йулга куйиш, бир тартибга келтириш жараёнидир. Шунингдек у механизмлар ва уларнинг кисмларини улар нормал ва самарали ишлайдиган ҳолатга келтиришни хам англатади. Корхона жорий фаолиятини тартибга солишдан мақсад куйидагилардан иборат:

- Барқарор ишлашни таъминлаш;
- Минимал харажатлар билан максимал натижаларга эришиш;
- Чиқарилаётган махсулотни сифат курсаткичини яхшилаш;
- Ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш ва харажатларни камайтириш.

Шу маънода Курс иши ишини объекти бўлган Нион тумани “Умид” фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятини таҳлил қилиш таҳлил асосида маълум бир хулосаларга келиш ва истикболда фермер хўжалигинда ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Нишон тумани "Умид" фермер хўжалиги ер майдонлари таркиби таҳлили

2.1.1. жадвал

т/р	Ёзувнинг мазмуни	ў/б	йиллар			Ўзгариши	
			2011	2012	2013	фарқи	%
	Жами ер майдони	га	49,70	49,70	49,70	0,00	100,00
	шундан, суғориладиган майдон	га	46,10	46,10	46,10	0,00	100,00
	Ариқ ва зовурлар	га	3,0	3,0	3,0	0,00	100,00
	Ихота дарахтлари	га	0,10	0,10	0,10	0,00	100,00
	Йўллар	га	0,20	0,20	0,20	0,00	100,00
	Бошқа ерлар	га	0,30	0,30	0,30	0,00	100,00

Маълумки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ер муҳим ишлаб чиқариш омили саналади. Шу сабабли ер ресурслари ҳолатини 2.1.1 жадвал маълумотлари билан таҳлил қилганимизда “Умид” фермер хўжалигида жами 49,7 га ер майдони беркитилган бўлиб, ундан 46,1 гектари суғориладиган майдон ҳисобланади. Фермер хўжалигида таҳлилни ўз ичига олагн давр мобайнида ер ресурслари таркибида ўзгаришлар содир бўлмаган.

Нишон тумани "Умид" фермер хўжалиги ер майдонларининг экин турлари бўйича тақсимланиши 2.2.2.жадвал

т/р	Ёзувнинг мазмуни	ў/б	йиллар			Ўзгариши	
			2011	2012	2013	фарқи	%
	Жами ер майдони	га	49,70	49,70	49,70	0,00	100,0
	шундан, суғориладиган экин майдони	га	46,10	46,10	46,10	0,00	100,00
	ш.ж.дан; пахта	га	28,10	29,10	31,10	3,00	110,68
	ғалла	га	18,00	17,00	15,00	-3,00	83,33

Фермер хўжалигида ер майдонларини экин турлари бўйича тақсимланишини таҳлил қилганимизда ўтган 201-2012 йиллар мобанида хўжаликда пахта экин майдони 110,68 фоизга ошганлигини,, ғалла экини майдони 83,33 фоизга камайганлигини жадвал маълумотларидан кузатиш мумкин.

Нишон тумани "Умид" фермер хўжалигида экин турлари бўйича тақсимланган ер майдонларидан олинган ҳосил ва ялпи ҳосил таҳлили 2.2.3. жадвал

Ёзувнинг мазмуни	ў/б	йиллар			Ўзгариши	
		2011	2012	2013	фарқи	%
Жами ер майдони	га	49,70	49,70	49,70	0,00	100,00
шундан, суғориладиган экин майдони	га	46,10	46,10	46,10	0,00	100,00
ш.ж.дан; пахта; экин майдони	га	28,10	29,10	31,10	3,00	110,68
ҳосилдорлик	ц/га	29,70	30,30	34,10	4,40	114,81
Ялпи ҳосил	цент	834,57	881,73	1060,51	225,94	127,07
Ғалла; экин майдони	га	18,00	17,00	15,00	-3,00	83,33
ҳосилдорлик	ц/га	29,80	31,30	32,70	2,90	109,73
Ялпи ҳосил	цент	536,40	532,10	490,50	-45,90	91,44

2.2.3. жадвал маълумотлари асосида фермер хўжалигида экин турлари бўйича тақсимланган ер майдонлари самарадорлигини таҳлил қилиш мақсадида экин турлари бўйича ўрганганимизда, пахтачиликда бир гектар ердан олинган ҳосил 114,81 фоизга, ялпи ҳосил 127,07 фоизга ошганлигини, ғаллачиликда эса бир гектар ердан олинган ҳосил 109,71 фоизга, ялпи ҳосил эса 91,44 фоизга ўзгарганлигини кузатиш мумкин. Бу ерда ҳар иккала давлат монополиясидаги маҳсулот турлари бўйича ҳосилдорлик муттасил ошиб борганлиги жадвадан кўриш мумкин.

Нишон тумани "Умид" фермер хўжалигининг тармоқларида маҳсулот етиштириш харажатлари ва даромадлари таҳлили 2.2.4. жадвал

Ёзувнинг мазмуни	ў/б	йиллар			Ўзгариши	
		2011	2012	2013	фарқи	%
Жами ишлаб чиқариш харажатлари	м.сўм	61346,00	60571,00	85680,00	24334,00	139,67
ш.ж.дан						
Ўсимликчиликда	м.сўм	60400,60	59372,30	84110,20	23709,60	139,25

улардан;	м.сўм					
Пахтачиликда	м.сўм	46943,90	44260,00	68867,30	21923,40	146,70
Ғаллачиликда	м.сўм	13456,70	15112,30	15242,90	1786,20	113,27
Чорвачиликда	м.сўм	945,40	1198,70	1569,80	624,40	166,05
улардан;	м.сўм					
пиллачиликда	м.сўм	945,40	1198,70	1569,80	624,40	166,05
Маҳсулот сотишдан тушган тушум	м.сўм	76459,00	81387,00	108023,00	31564,00	141,28
ш.ж.дан	м.сўм					
Ўсимликчиликда	м.сўм	75472,30	80143,60	106333,30	30861,00	140,89
улардан;	м.сўм					
Пахтачиликда	м.сўм	60453,10	63648,50	90146,80	29693,70	149,12
Ғаллачиликда	м.сўм	15019,20	16495,10	16186,50	1167,30	107,77
Чорвачиликда	м.сўм	986,70	1243,40	1689,70	703,00	171,25
улардан;	м.сўм					
пиллачиликда	м.сўм	986,70	1243,40	1689,70	703,00	171,25

Маълумки корхона фаолиятини таҳлилда харажатлар ва даромадларни таҳлил қилиш ва уларни таққослаш орқали амалий хулосаларга келиш мумкин. Шунинг учун фермер хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқариш харажатларининг тақсимланиши ва олинган даромадлар таҳлил қилинганда, умумий аҳволда хўжаликда ишлаб чиқариш харажатларини ўсиши 139,67 фоизга, даромадларнинг ўсиши эса 141,28 фоизга ўсганлиги кўриш мумкин. Бу ерда даромадлар ўсиши харажатларга қараганда илгариларча ҳолатни ташкил этмоқда бу ижобий ҳол саналади, бироқ уларнинг ўсиш суръатлари нисбати қониқарили эмас. Тармоқларнинг ҳолати ўрганилганда ўсимликчилик тармоғида харажатлар 139,25 фоиз, даромадлар 140,89 фоизга, чорвачиликда харажатлар 166,05 фоизга, даромадлар 171,25 фоизга ўсганлигини кўриш мумкин.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги, шунингдек қуйидаги кўрсаткичлар билан ҳам характерланиши мумкин:

-бир бирлик меҳнат харажатлари ҳисобига ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот (ялпи ва соф даромад) ҳажми:

$$C_{и} = \frac{Y_{М}}{M_{Хар}} \quad ёки \quad \frac{Y_{Д}}{M_{Хар}} \quad ёки \quad \frac{C_{Д}}{M_{Хар}}$$

бу ерда: $M_{Хар}$ - маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат харажатлари, киши/соат;

-бир сўмлик асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондлари ҳисобига олинган ялпи маҳсулот (ялпи ва соф даромад):

$$C_{и} = Y_{М} / A_{сФ} + A_{йФ} \quad ёки \quad Y_{Д} / A_{сФ} + A_{йФ} \quad ёки \quad C_{Д} / A_{сФ} + A_{йФ}$$

бу ерда $A_{сФ}$ - асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати, минг сўм;

$A_{йФ}$ - айланма фондлар қиймати, минг сўм.

Шундай қилиб, фермер хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги бир гектар ердан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг кўпайишида, маҳсулот бирлигига сарфланган жонли ва буюмлашган меҳнат харажатларининг пасайишида ўз аксини топади.

Нишон тумани "Умид" фермер хўжалигида бир гектар ер ва бир центнер маҳсулотга сарфланган харажатлар ва олинган даромадлар таҳлили 2.2.5 жадвал

т/р	Ўзувнинг мазмуни	ў/б	йиллар			Ўзгариши	
			2010,00	2011,00	2012,00	фарқи	%
1.Ўсимликчилик;							
1.1	Пахтачиликда						
	Ер майдони	га	28,10	29,10	31,10	3,00	110,68
	Ҳосилдорлик	ц/га	29,70	30,30	34,10	4,40	114,81
	Ялпи ҳосил	цент	834,57	881,73	1060,51	225,94	127,07
	Ишлаб чиқариш харажатлари, жами	м.сўм	46943,90	44260,00	68867,30	21923,40	146,70
	Маҳсулот сотишдан тушган тушум	м.сўм	60453,10	63648,50	90146,80	29693,70	149,12
	Бир га ерга сарфланган харажат	м.сўм	1670,60	1520,96	2214,38	7307,80	132,55
	Бир га ердан олинган даромад	м.сўм	2151,36	2187,23	2898,61	9897,90	134,73
	Бир га ердан олинган натижа	м.сўм	480,75	666,27	684,23	2590,10	142,32
	Бир центнер маҳсулот таннархи	м.сўм	56,25	50,20	64,94	97,03	115,45
	Бир центнер маҳсулотнинг сотиш баҳоси	м.сўм	72,44	72,19	85,00	131,42	117,35
	Бир центнер маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш натижаси	м.сўм	16,19	21,99	20,07	34,39	123,96
1.2	Ғаллачиликда						
	Ер майдони	га	18,00	17,00	15,00	-3,00	83,33
	Ҳосилдорлик	ц/га	29,80	31,30	32,70	2,90	109,73
	Ялпи ҳосил	цент	536,40	532,10	490,50	-45,90	91,44
	Ишлаб чиқариш харажатлари, жами	м.сўм	13456,70	15112,30	15242,90	1786,20	113,27
	Маҳсулот сотишдан тушган тушум	м.сўм	15019,20	16495,10	16186,50	1167,30	107,77
	Бир га ерга сарфланган харажат	м.сўм	747,59	888,96	1016,19	268,60	171,25
	Бир га ердан олинган даромад	м.сўм	834,40	970,30	1079,10	244,70	129,33
	Бир га ердан олинган натижа	м.сўм	86,81	81,34	62,91	-23,90	171,25
	Бир центнер маҳсулот таннархи	м.сўм	25,09	28,40	31,08	5,99	123,87
	Бир центнер маҳсулотнинг сотиш баҳоси	м.сўм	28,00	31,00	33,00	5,00	117,86
	Бир центнер маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш натижаси	м.сўм	2,91	2,60	1,92	-0,99	66,04

2	Чорвачиликда						
	пиллачиликда						
	олинган кутилар сони	дона	7,674419	7,982794	10,30525	2,630829	134,28
	Бир кути пилла уруғидан олинган маҳсулот	цент	0,43	0,48	0,51	0,08	118,60
	Ялпи маҳсулот	цент	3,3	3,831741	5,255677	17,34373	159,2629
	Ишлаб чиқариш харажатлари, жами	м.сўм	945,40	1198,70	1569,80	624,40	166,05
	Маҳсулот сотишдан тушган тушум	м.сўм	986,70	1243,40	1689,70	703,00	171,25
	Бир центнер маҳсулот таннархи	м.сўм	286,4848	312,8343	298,6866	12,20	104,2591
	Бир центнер маҳсулотнинг сотиш баҳоси	м.сўм	299	324,5	321,5	22,50	107,5251
	Бир центнер маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш натижаси	м.сўм	12,51515	11,66571	22,81343	10,30	182,2865

Фермер хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, ер, моддий техника ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, табиий ва иқтисодий шароитларни ҳар томонлама ҳисобга олишни талаб қилади. Назарий жиҳатдан ҳар қандай ер участкасига, ҳар қандай ҳажмда, ҳар қандай капитални қўйиш мумкин, лекин бу ўз-ўзидан маълумки, агар шу мамлакатда шу пайтда барча шароитлар, яъни иқтисодий, техникавий, маданий ва бошқа шароитлар мавжуд бўлишига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланадиган харажатлар оқилона сарфланиши керакки, бунда хўжалик ҳар бир бирлик харажатга кўпроқ маҳсулот ва максимум фойда олиши керак.

Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлар тизими орқали аниқланади. Улар орасида биринчи даражали аҳамиятга эга бўлганлари қуйидагилар:

- бир гектар ер майдонга тўғри келган ялпи маҳсулот

ЯМ

Си = -----

ЕМ

Си- интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги, сўм/га;

ЯМ-ялпи маҳсулот қиймати, сўм;

ЕМ-ер майдони, га.

Хўжалик ялпи маҳсулоти таққослама баҳоларда баҳоланади. Бундай баҳоланиш ушбу кўрсаткични динамикада, шунингдек бир хил шароитда ишлайдиган қатор хўжаликлар фаолиятини таққослашни ўтказишда фойдаланиш имконини беради. Ҳосилдорликнинг ошиши ва бир вақтнинг ўзида унга сарфланган таннархнинг пасайиши интенсивлаштириш самарадорлигининг юқори даражада эканлигини билдиради. Бундай ҳолатда ерга сарф қилинган ҳар бир сўм нафақат харажатларни қоплайдиган қўшимча маҳсулот олиб келмасдан, балки қўшимча соф даромад олиш имконини ҳам беради:

- бир гектар қишлоқ хўжалигига яроқли ерга тўғри келган ялпи даромад:

ЯД

Си = -----

ЕМ

бу ерда ЯД - ялпи даромад (соф маҳсулот), сўм

Бу кўрсаткич анча такомиллашган ишлаб чиқариш воситаларида, илғор технологияда, қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори нави ва моллар зоти ҳамда бошқаларда бажарилган, кўшимча маблағлардан оқилона фойдаланишни акс эттиради.

-бир гектар қишлоқ хўжалигига ярқли ерга тўғри келган соф даромад ёки фойда:

$$C_{и} = \frac{C_{Д}}{E_{М}} \quad \text{ёки} \quad \frac{Ф}{E_{М}}$$

бу ерда СД- соф даромад, сўм:

Ф- фойда, сўм

Бу кўрсаткич алоҳида аҳамиятга эга. Модомики, соф даромад кўшимча қўйилмаларнинг асосий манбаи ҳисобланар экан, у ҳолда келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш унинг ҳажмига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигини изчиллик билан интенсивлаштириш кўшимча маблағларнинг юқори, тез қайтарилишига ва мос равишда соф даромаднинг ўсишига олиб келади.

2.2.5. жадвал асосида фермер хўжалигида бир гектар ерга ва бир центнер (бирлик) маҳсулотга сарфланган харажатлар ва унинг натижасида олинган даромадлар ҳамда сарф харажатлар ва даромадлар натижасини таҳлил қилагимизда хўжаликнинг асосий экин тури бўлган пахтачиликда бир га ер майдонида сарфланган харажатлар улуши 132,55 фоизга, даромадлар 134,73 фоизга, олинган натижалар 142,32 фоизга ўзгарганлигини ёки бир центнер маҳсулот етиштириш ва сотиш натижасида олинган натижалар 123,96 фоизга ўзгарганлигини жадвал маълумотлари тасдиқлаб турибди.

Шунингдек ғаллачилик тармоғида бир гектар ерга сарфланган харажат 171,25 фоизга, олинган даромад 129,33 фоизга, бир гектар ерга сарфлар ва даромадлар нисбати 171,25 фоизга ўзгарганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек ғаллачиликда бир центнер маҳсулот етиштириш ва сотиш натижалари ҳам таҳлилни ўз ичига олган давр мобайнида ўзгариш 66,04 фоизни ташкил этган. Натижаларнинг салбий тус олишининг асосий сабаби сотиш баҳоларига қараганда таннархнинг ўсганлигидадир.

Нишон тумани "Умид" фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда фаолиятнинг бошқа турлари бўйича молиявий натижалар таҳлили 2.2.6 жадвал

т/р	Ўзувнинг мазмуни	ў/б	йиллар			Ўзгариши	
			2011	2012	2013	фарқи	%
1	Маҳсулот (товар ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум	м.сўм	76459,00	81387,00	108023,00	31564,00	141,28
	Сотилган маҳсулот (иш ва хизмат)ларни таннархи	м.сўм	61346,00	60571,00	85680,00	24334,00	139,67
2	Маҳсулот (товар ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси	м.сўм	15113,00	20816,00	22343,00	7230,00	147,84
3	Давр харажатлари	м.сўм	18143,00	26385,00	23923,00	5780,00	131,86
	ш.ж.дан; Сотиш харажатлари	м.сўм	14159,00	22000,00	17444,00	3285,00	123,20
	Маъмурий харажатлар	м.сўм	3984,00	4385,00	6479,00	2495,00	162,63
5	Асосий фаолият фойдаси	м.сўм	-3030,00	-5569,00	-1580,00	1450,00	52,15
6	Умумхўжалик фаолият фойдаси	м.сўм	-3030,00	-5569,00	-1580,00	1450,00	52,15
7	Фавқулодда фойда ва зарарлар	м.сўм	3142,00	16104,00	12663,00	9521,00	403,02
8	Даромад (фойда) солиғини	м.сўм	112,00	10535,00	11083,00	10971,00	9895,54

	тўлагунга қадар фойда						
9	Ҳисобот даврининг соф фойдаси	м.сўм	112,00	10535,00	11083,00	10971,00	9895,54

Молиявий натижалар корхона молиявий барқарорлик ҳолатини акс эттирувчи иқтисодий кўрсаткичдир. Шунинг учун фермер хўжалигини молиявий натижаларини ўрганганимизда таҳлилни ўз ичига олган давр мобайнида маҳсулот сотишдан тушган тушум ҳажми 141,28 фоизга, маҳсулот таннарихи 139,67 фоизга, ялпи фойда ҳажми 147,84 фоизга ўзгарганлиги жадвал маълумотларидан маълум.

Кейинги пайтда фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб қувватлаш ишлари сезиларли оширилди. Уш бу молиявий қўллаб қувватлаш натижасида давлат биргина “Умид” фермер хўжалигига 2011 йилда 3142 минг сўм, 2012 йилда 16104 минг сўм, 2013 йилда 12663 минг сўмлик қўллаб қувватлаш ишлари амалга оширилган.

Эътиборли жиҳати шундаки фермер хўжалиги асосий фаолият тури зарар билан яқунланган, давлат томонидан берилган молиявий кўмаклар орқали пировард натижа фойда билан яқунланган.

Нишон тумани “Умид” фермер хўжалигида асосий воситалардан фойдаланиш ҳолати таҳлили 2.2.7 жадвал.

т/р	Ўзувнинг мазмуни	ў/б	йиллар			Ўзгариши	
			2011	2012	2013	фарқи	%
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган асосий ишлаб чиқариш воситалари	м.сўм	40125,00	43656,00	44589,00	4464,00	111,13
2	Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти қиймати	м.сўм	76459,00	81387,00	108023,00	31564,00	141,28
3	Фонд қайтими	м.сўм	1,91	1,86	2,42	0,52	127,14
	шундан						
	а)деҳқончиликда	м.сўм	1,88	1,84	2,38	0,50	126,79
	б)чорвачиликда	м.сўм	0,02	0,03	0,04	0,01	154,10
4	Фонд сиғими	м.сўм	0,52	0,54	0,41	-0,11	78,65
5	Қўшимча қиймат нормаси	м.сўм	29,56	40,72	43,70	14,14	147,84

Маълумки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини таъминлашда асосий ва айланма фондларнинг аҳамияти катта. Чунки ишлаб чиқаришни механизациялаштирмасдан туриб, уни янги техника ва технологик жиҳатдан таъминламасдан туриб қўйилган мақсадга эришиб бўлмайди. Фермер хўжалигида асоси ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш ҳолатини 2.2.7 жадвал маълумотлари билан таҳлил қилиб кўрганимизда, таҳлилни ўз ичига олагн давр мобайнида хўжаликдаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймат жиҳатидан 111,3 фоизга, фонд қайтими 127,14 фоизга, қўшимча қиймат нормаси 147,84 фоизга ошганлигини ва фонд сиғими кўрсаткичи 78,65 фоизга камайганлигини кўриш мумкин. Бу қайд этилган кўрсаткичлар албатта ижобий ҳол эканлигидан далолат беради, бироқ шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, фермер хўжалиги ер майдонларининг камлиги ҳамда пул маблағларининг айланма миқдорининг камлиги уни моддий техника базасининг мукамал ривожланишига салбий таъсир этмоқда.

3.606. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида фермер хўжалигини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.

3.1. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, уни техник ва технологик янгилаш тармоқни интенсив ривожлантиришнинг асоси.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва уни ошириш масаласи ҳар доим иқтисодий назарияси фанининг долзарб муаммоси сифатида, унинг диққат марказида бўлиб келади. Айниқса ҳозирги пайтда бу масала янада кескин қўйилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширмасдан туриб мамлакатимиз олдида турган муҳим масала мустақил иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш вазифасини амалга ошириб бўлмайди. Самарадорликнинг иқтисодий мазмуни сифатида ҳар доим ишлаб чиқаришнинг пировард натижаси билан унга авансланган ресурслар, маблағлар ёки қилинган харажатлар ўртасидаги нисбат тушунилади.

Лекин, турли . социал-иқтисодий тизимлар шароитида шу жамиятнинг мақсадидан келиб чиқиб, самарадорлик муаммосининг туб моҳияти ўзгаради.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун унга таъсир қиладиган омилларни ҳам билиш зарурдир.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бир қанча омиллар таъсир қилади:

Илмий-техник тараққиётни тезлаштириш ва унинг натижаларини тезлик билан ишлаб чиқаришда қўллаш;

Ишлаб чиқаришни рационал жойлаштириш, ихтисослаштириш ва кооперациялаш;

Иқтисодий таркибий қисмларини ва унинг ташкилий бўғинларини ўзгартириш;

Ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш ва уларнинг фаоллигини ошириш;

Мавжуд табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш, янги, арзон, сифатли хомашё ва энергия турларини-, экинларнинг янги ҳосилдор навларини, чорва молларининг маҳсулдор зотларини топиб ишлаб чиқаришга жорий қилиш;

Кишиларнинг билим савиясини, малакасини ошириш, етук ишчи ва мутахассислар тайёрлаш.

Бу санаб кўрсатилган омиллар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун таъсир қиладиган асосий ва бутун иқтисодийнинг барча соҳалари учун умумий омиллардир. Булардан ташқари, аниқ олинган хўжаликларда, тармоқларда ва ҳудудларда самарадорликни оширишнинг шу жойнинг шароитлари хусусиятидан келиб чиқадиган қанчадан-қанча омиллари борки, уларни топиб ишга солиш ва фойдаланиш самарадорликни кескин оширишнинг кенг имкониятлари ҳисобланади. Биз бу ерда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ҳамма омиллари тўғрисида батафсил тўхтала олмаймиз. Лекин унинг муҳим ва ҳозирги кунда республикамиз учун долзарб омилларида бири бўлган илмий техника тараққиёти тўғрисида қисқача тўхталамиз.

Фан-техника тараққиёти фан соҳасидаги ишлаб чиқариш қуроллари, технология, бошқариш ва бошқа кўпгина ўзгаришларни ўз ичига олади. Ҳозирги даврда фан-техника тез

суръатлар билан тараққий қилмоқда ва у илгариги техника тараққиётига қараганда бирмунча афзалликларга эгадир.

Ҳозирга даврдаги фан-техника тараққиёти афзаллиги шундаки, илғор мамлакатларда фан янгиликлари тезлик билан ишлаб чиқаришга жорий қилинади, бинобарин фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиб боради.

Ҳозирги даврдаги ишлаб чиқаришнинг техник базасини мустаҳкамлаш электроника, радиоэлектроника, телемеханика, атом энергияси, химия ва бошқа фанларнинг эришган ютуқлари билан бевосита боғлиқдир.

Хуллас, фаннинг зришган ютуқлари ишлаб чиқаришнинг тараққиёти учун ва унинг иқтисодий самарадорлиги учун чексиз имкониятлар очиб беради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон давлати фан-техника тараққиётига катта эътибор бериб, уни жадаллаштиришни, техниканинг энг юқори унумдор самарадорликни таъминловчи янги туркумларни, принципиал жиҳатдан янги технологияларни кенг жорий этиш вазифасини кўймоқда. Фан тараққиётининг натижаси ва унинг ишлаб чиқариш билан яқинлашишининг муҳим белгиси такомиллашган, чидамли унумли меҳнат қуроли ва предметларини вужудга келтириш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳисобланади. Ишлаб чиқаришга янги унумли меҳнат қуроли ва сифатли меҳнат предметлари қанча кўп кириб келса жонли меҳнат шунча кўп меҳнат воситаларини ҳаракатга келтиради ва кўп истеъмол қиймати яратади. Давлатнинг инвестиция сиёсати ресурсларни фан-техника тараққиётининг илғор соҳалари бўлган авиация, машинасозлик саноатини, информатика, электроника, атом энергетикаси, ишлаб чиқариш соҳаларини комплекс механизациялаш, автоматлаштириш, янги материалларни яратиш ва буларга ишлов бериш технологияси сингари муҳим йўналишларига жалб қилишга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам фан-техника тараққиётининг эволюцион ва революцион шакллари фарқламоқ лозим. Фан-техника тараққиётининг эволюцион шаклда ривожланиш деганда, унинг мавжуд технологияси асосида, машиналар ва ускуналар қисман модернизациялаш асосида ривожланиши тушунилади.

Революцион шаклда ривожланиши деганда эса, техникагошг энг сўнгги авлодларини қўллаш, принципиал янги технологик тизимга ўтиш тушунилади. Фан-техника тараққиётининг кейинги шаклда ривожланиши юксак самара беради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов ўзининг асарларида иқтисодиётнинг барча тармоқларини ҳозирги замон фан ва техникасининг энг янги ютуқлари билан қайта қуроллантириш лозимлигини таъкидламоқда. Бунинг учун аввалом бор техника тараққиётининг асосини ташкил этувчи ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларини янги, унумдор, арзон техника билан қуроллаштирувчи машинасозликни ривожлантиришга эътиборни қаратмоқ лозимдир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи шарти ҳар бир гектар ердан ва ҳар бир бош молдан олинadиган маҳсулотни кўпайтириш ҳисобланади. Интенсивлаштириш жараёни нафақат бир гектар ерга ёки бир бош молга кўшимча маблагнинг ўсишини билдириб қолмасдан, балки улардан самарали фойдаланишни ҳам билдиради. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги сарфланган харажатлар ҳажмига таққослаганда ҳар бир гектар ердан арзон ва юқори сифатли маҳсулотни юқори суръатда олишда ифодаланади.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш, унинг йўналишига, суръатига ва самарадорлигига таъсир кўрсатадиган кўп омилларга боғлиқ. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришда муҳим омил фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш бўлиб, у ўз таркибига нафақат машина техникасидаги тараққиётни, балки ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш технологиясидаги ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг илғор тажрибаларидан фойдаланишни ҳам киритади.

Тупроққа ишлов беришни яхшилаш, кўшимча органик ва минерал ўғитлар солиш, мелиоратив ишларни ўтказиш, барча комплекс агротехник тадбирларни бажариш

тупроқнинг иқтисодий унумдорлигини оширишга, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўстиришга имкон беради.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш самарадорлигини ошириш йўллари қуйидагилар:

- а). фермер хўжалигида фан-техника тараққиётини ривожлантириш;
- б). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида инвестиция ва капитал қўйилмаларнинг ўсиши;
- в). Қишлоқ хўжалиги моддий техника базасини мустаҳкамлаш.
- г). ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш даражасини ошириш;
- д). Қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришни ривожлантириш (минерал ўғитлар солиш ва кимёвий ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қўллаш)
- е). Қишлоқ хўжалигини мелиорациялаш (суғориш, захини қочириш, бошқа ишларни ривожлантириш)
- ж). Қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш.

Интенсивлаштиришни изчиллик билан амалга оширишнинг муҳим шarti қишлоқ хўжалигига ажратилган капитал қўйилмаларнинг ўсишидир. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни аста-секинлик билан саноат асосига ўтказишга имкон берувчи кучнинг иқтисодий потенциалидан фойдаланилади.

3.2. Қишлоқ аҳолисини ижтимоий иқтисодий ривожланишини таъминлаш-фермер хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлантириш асоси

Маълумки мамлакатимизда йилларга ном берилишининг рамзий маъноси бор. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2010 йилни “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”, 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”, 2012 йилни “Мустаҳкам оила йили”, 2013 йилни “Обод турмуш йили” деб эълон қилинди. Бунинг негизда нафақат шаҳарларда балки, узоқ қишлоқларда ҳам ижтимоий иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларини жадал ривожлантириш, аҳолини турмуш маданиятини янги босқичга кўтариш каби стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим ишларни амалга ошириш каби сиёсат турибди. Қишлоқ ҳудудларида олиб борилаётган мамлакат ижтимоий иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардир;

- қишлоқда турмуш даражасини ошириш;
- қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳукуқий базани мустаҳкамлаш;
- қишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш;
- қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтариш;
- қишлоқ аҳолиси, энг аввало, ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш;
- қишлоқда пайдо бўлаётган мулкий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари – мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш;
- ер, тупроқ унумдорлигини доимий равишда ошириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш⁴.

Республикаимизда қишлоқ ободонлигини ҳамда унинг аҳолиси фаровонлигини таъминлаш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Айниқса, қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлашнинг аҳамиятли чора-тадбирлари

⁴ Президент Ислам Каримовнинг 2009 йил 5 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган йиғилишда сўзлаган маърузаси.

амалга оширилиши натижасида мазкур кўрсаткич сезиларди даражада ўсиб бормоқда. Агар 1996 йилда қишлоқ уй-жой фонди 180,5 млн. кв. метрни ташкил этган бўлса, 2006 йилда 240,9 млн. кв. метрга етган. Умуман олганда, 1996-2006 йиллар давомида республика бўйича жами уй-жой фондининг ўсиш даражаси 127,4% ни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич шаҳарда 118,6% ни, қишлоқда 133,5% ни ташкил этган. Бу эса қишлоқ фаровонлиги ва ободончилигининг ошишида муҳим шарт-шароит яратади.

Кейинги йилларда қишлоқдаги аҳолининг ҳар 1 киши ҳисобига уй-жой билан ўртача таъминланганлиги ошиб бормоқда. Айни пайтда, ободончилик даражасининг ошишига таъсир қилувчи шарт-шароитлар ҳам яхшиланиб бормоқда. Масалан, табиий газ билан таъминланганлик даражаси 1996 йилдаги 58,6% дан 2006 йилда 71,4% га, водопровод билан таъминланганлик даражаси 23,9% дан 45,1% гача ошган. Бироқ, ҳали қишлоқ ободончилигини таъминлашда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, йиллар давомида ошиб бораётганлигига қарамай, бугунги кунда қишлоқдаги уй-жойларнинг марказий иситиш воситалари (17%), канализация (9%), иссиқ сув таъминоти (2,3%), ванна (2%) билан таъминланиш даражаси жуда паст.

Шунга қўра, ҳозирда қишлоқ ҳудудларини сув билан барқарор таъминлаш бўйича 1836 км янги сув тизимини қуриш, 304 та объектни реконструкция қилиш, бу борадаги 2010-2015 йилларга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиш тадбирларини ҳам ўз ичига олади. Шу қаторда 2010 йилда узунлиги қарийб 700 километрлик табиий газ тармоқларини ишга тушириш, чекка туманларни суюлтирилган газ билан таъминлашни тубдан яхшилаш белгиланган.

Қишлоқ жойларининг ободонлиги ва аҳолисининг фаровонлигини автомобиль йўллари ва транспорт воситалари тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунга қўра, 2010 йилда қишлоқ жойларда автомобиль йўлларини ривожлантириш ва транспорт хизматини яхшилаш мақсадида 67 та янги автомобиль маршрутини йўлга қўйиш ва 1913,9 км маҳаллий йўлларни таъмирлаш кўзда тутилган.

Аҳоли турмуш даражаси кўп жиҳатдан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожига боғлиқ. Айниқса, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражаси қишлоқдаги турмуш фаровонлигига сезиларли таъсир кўрсатади. 2010 йилда хизмат кўрсатиш ва сервисни янги сифат даражасига кўтариш, жумладан, қишлоқда хизматлар соҳасида 140 минг янги иш жойлари ташкил этиш, 452 та савдо магазинлари, 1856 та маиший хизмат корхоналари, 500 дан ортиқ минибанклар ташкил этиш, қишлоқ аҳоли яшаётган жойларда телефон ва алоқа тизимини тубдан яхшилаш, спорт ва туризмни ривожлантириш тадбирлари белгиланган.

Шунингдек, қишлоқ жойларни ободонлаштириш ишларини изчил тизимга солиш, уларни мунтазам равишда олиб бориш мақсадида ободонлаштириш моддий техника базасини мустаҳкамлашнинг 2010-2011 йилларга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқиш, ободонлаштириш ишлари ташкил қилиш ва рағбатлантириш қоидаларини тайёрлаш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ўз ичига маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқда янги қурилиш технологияларини қўллаш ишларини ҳам олади. Бунда янги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, модернизациялаш ва техник қайта қурилантириш тадбирлари кўзда тутилади. Қишлоқ жойларида 77 та янги қурилиш материаллари фирма магазинларини ташкил қилиш ҳам шулар жумласидандир.

Қишлоқни ёқилғи энергетика захиралари билан барқарор таъминлаш учун қулай шароитни яратиш борасида мавжуд электр ва газ тармоқларини тўла инвентаризация қилиш, янги электр ва газ тармоқларини қуриш, мавжудларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, узок жойларда жойлашган қишлоқларни газ ва кўмир билан таъминлашга мўлжалланган сервис марказларини ташкил этиш белгиланган.

Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич чуқурлаштириш, қишлоқдаги мулкдор ва тадбиркорларнинг аҳамиятини ошириш, фермерлар ҳаракатини қўллаб-қувватлаш –мамлакат ижтимоий иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишининг асосий таркибий қисмларидан ҳисобланади.

«Шу билан бирга, - ўтган давр мобайнида орттирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда. Фаолият юритаётган аксарият фермер хўжаликларининг иш тажрибаси шундан далолат берадики, фермер хўжаликларини шакллантиришнинг дастлабки босқичида уларга ажратиб берилган ер майдонларининг камлиги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига кўп жиҳатдан тўсқинлик қилмоқда. Имконияти, куч-қуввати кам бўлган фермер хўжаликлари ўзини зарур техника, айланма маблағ билан таъминлаш, кредит қобилиятига эга бўлиш, энг асосийси, ўз харажатларини қоплаш ва фойда кўриб ишлаш, даромадни оширишнинг ишончли асосига айланолмаслигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда»⁵.

«Фермер хўжаликларига ажратилаётган кичик ҳажмдаги ерларда самарали хўжалик юритиб бўлмаслиги тўғрисидаги фикрларни бу борада олиб борилган баъзи илмий тадқиқот натижалари ҳам яққол тасдиқлайди. Фермер хўжаликлари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, сўралганларнинг аксарият қисми тежамкорликка тўсқинлик қилувчи сабаблардан бири сифатида ажратилган ер майдонлари ҳажмининг самарали хўжалик юритиш учун етарли даражада эмаслигини кўрсатганлар. Натижада кичик ҳажмдаги ер майдонларига эга бўлган фермер хўжаликлари фаолияти ишлаб чиқариш самарадорлиги ва тежамкорлик тамойилларига зид келмоқда. Жумладан:

- йирик ҳажмдаги ер майдонларига мўлжалланган техника воситаларидан фойдаланишдаги муаммолар;
- доимий ишчилардан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги;
- баъзи бир ресурс ва хизмат турларидан қонуний ва тўлиқ асосда фойдаланишдан манфаатдор бўлмаслик;
- тўлақонли фаолият юритишга қизиқишнинг сустлиги, тезроқ фойда олишга интилишга мойилликнинг пайдо бўлиши ва бошқалар.

Сўровда иштирок этган баъзи бир фермер хўжалиги раҳбарларининг фикрича, кичик ҳажмдаги ерга эга бўлган хўжаликлар учун тижорат банкларидан кредит ёки асосий воситаларни лизингга олиш муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Баъзи ҳолларда банк ёки лизинг компаниялари асосий воситани лизингга бериш учун хўжалик ер майдонининг камида 40-50 гектар бўлишини талаб этмоқдалар. Чунки бунда кам ҳажмдаги ер майдонига эга бўлган хўжаликлар ўз фаолиятидан олинган соф даромад ҳисобига лизинг тўловларини тўлашда қийинчиликка дуч келадилар.

Асосий воситалар лизинги учун йиллик тўлов ҳажмининг тахминий 2,5 млн. сўмлик миқдорида фақат 33 гектардан ортиқ ер майдонига эга хўжаликлар бундай тўловни қоплаш имконига эга. Агар бошқа харажат ва тўловларни, кенгайтирилган ишлаб чиқариш эҳтиёжларини ҳисобга олинса, лизингдан фойдаланиш имкониятига эга бўлган хўжаликлар камида 40-50 гектар ер майдонига эга бўлиши лозимлиги намоён бўлади»⁶.

Шу каби асослардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда ер майдонларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва фермер хўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш бўйича кенг кўламли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди. Бунда фермер хўжаликларининг қайси

⁵ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2010, 22-23-б.

⁶ Холматов Б.А. Тежамкорликнинг назарий асослари ва амал қилиш механизми. – И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. автореф. – Т., 2009, 17-18-б.

соҳага ихтисослашгани ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги аҳоли зичлиги алоҳида эътиборга олинди. Ана шу ишлар натижасида фермер хўжаликлари учун ажратилган ер майдонлари бугунги кунда пахтачилик ва ғаллачиликда ўртача 37 гектардан 93,7 гектаргача кўпайди ёки 2,5 баробардан зиёд ошди. Бу кўрсаткич сабзавотчиликда – 10 гектардан 24,7 гектаргача ёки 2,5 баробар, чорвачиликда эса 154 гектардан 164,5 гектаргача кўпайди.

Ўтган йилларда асосий эътибор барча тоифа хўжаликларида чорва мол бош сони ва унинг маҳсулдорлигини оширишга қаратилди. Натижада жами қорамоллар сони 8024,8 минг бошга етиб, шундан сизирлар сони 3327,0 минг бошни, қўй ва эчкилар 13559,4 минг бошни, паррандалар 29498,4 минг бошни ташкил этди. Тирик вазнда 1287,9 м.т(106,5%) гўшт, 5426,3 м.т(106,4%) сут, 2429,0 млн дона (109,7%) тухум, 23779,0 тонна (106,2%) жун ва 896,8 минг дона (114,9%) қорақўл тери ишлаб чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сон қарорига мувофиқ шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол сотиб олиш мақсадида 22,4 минг нафар фуқарога 40,0 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Мавжуд чорва моллари наслини яхшилаш мақсадида чет эллардан 39,3 млрд. сўмга жами 6501 бош насли моллар келтирилди, бунда бир бош насли молнинг ўртача нархи 3,7 млн. сўмга (2008 йилда 3,6 млн. сўм) тўғри келди.

2010 йилда амалга оширилган ташкилий агротехник тадбирлар натижасида барча тоифдаги хўжалик субъектлари томонидан жами 9 млн. 791,1 м.тмева-сабзавот маҳсулотлари, шундан 5217,4 м.тсабзавот, 1398,7 м.ткартошка, 981,2 м.тполиз, 1402,8 м.тмева ва 791,0 м.тузум ишлаб чиқарилди. Бироқ, бизда ҳали ушбу маҳсулотларни истеъмолчига етказиб бериш муаммолари тўлиқ ҳал этилгани йўқ. Бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса, пилла, жун, тери, пахта ва бошқаларни етиштириш ва улардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ўртасида номуаносиблик сақланиб қолмоқда. Жумладан, пахта хомашёсининг 34%, меваларнинг 17%, сабзавотларнинг 12%, полиз экинларининг 7%, узумнинг 25%, терининг 28%, жуннинг 17%, гўштнинг 27%, сутнинг 7% саноатда қайта ишланмоқда холос. Шунга кўра, дастурда мева ва сабзавотларни қайта ишлаш корхоналари учун имтиёزلарни узайтириш масалалари ҳам ўрин олган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни табиатнинг турли шароитларига мослаштиришда иссиқхоналарнинг роли катта.

Соҳани ривожлантиришда моддий-техник таъминот масаласига энг устувор вазифалардан бири сифатида қаралаётгани сабабли 2010 йилда қишлоқ хўжалигига хориждан 1149 дона ВТ-150 ва Т-4А русумидаги занжирли ва 459 та МХМ-140 русумли хайдов тракторлари ҳамда 386 та юқори унумли CLASS компаниясининг «Dominator-130» русумли дон ўриш комбайнлари олиб келинди. Лизинг асосида қишлоқ хўжалик корхоналарига жами 48,9 млрд. сўмлик 3459 дона турли хилдаги техникалар етказиб берилди. 2010 йилда ҳам ушбу анъанани давом эттириб, 7547 та техника лизинг, кредит асосида олиш орқали техника таъминотини кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Қишлоқда саноат ишлаб чиқаришни ва қурилишни тез суръатлар билан ривожлантириш асосида аҳоли фаровонлигини оширишда кўп меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Шунга кўра, 2010 йилда чорвачилик ва паррандачиликда, гўшт ва сутни қайта ишлашда, тикув, пойафзал ва мебель ишлаб чиқаришда, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 65 минг янги иш жойи ташкил қилиш кўзда тутилмоқда. Айни пайтда ҳар бир вилоятда хорижда ишлаб чиқарилган юқори технологияга асосланган мева-сабзавот, чорвачилик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш корхоналарини ташкил қилиш янги иш ўринлари сонини янада оширади.

Айни пайтда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун мини технологиялар ярмаркасини ўтказиб, унда миллий ва хорижлик ишлаб чиқарувчилар томонидан

яратилган техникаларни намойиш этилиши фермер ва тадбиркорлар учун янги имкониятларни яратади.

Хулоса ва таклифлар

Иқтисодиёт фани ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг икки йўлини бир-биридан фарқ қилади. Биринчи йўл экстенсив ривожланиш йўли бўлиб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши ишлаб чиқариш жараёнига янги ва янги ресурслар (ер, чорва молларининг сони ва ҳ.к.) жалб қилиш ҳисобига таъминланади. Бунда маҳсулот ҳажмининг кўпайиши асосан ишлаб чиқариш омилларининг кўпайиши ҳисобига юз беради.

Ишлаб чиқариш ресурсларини кўпроқ жалб этиш натижасида ривожлантиришга экстенсив ривожланиш йўли деб баҳо бериш қабул қилинган. Бу йўлнинг имкониятлари чекланган. Чунки барча ишлаб чиқариш ресурслари – ер, сув, меҳнат ресурслари, техника, хомашёлар, барча барчаси чекланган.

Дарҳақиқат, ҳар бир давлатнинг ҳудуди, ер ресурслари чекланган бўлиб, уни хоҳлаганча кўпайтириш мумкин эмас. Ресурслар чекланган ҳолда инсонларнинг, ишлаб чиқариш талаб ва эҳтиёжлари ўсиб боради. Бундай ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг бошқа йўлини топиш зарурати туғилади. Бу йўл – интенсив ривожланиш йўлидир.

Қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланиши – бир гектар ер ёки бир бош чорва молига сарфланаётган меҳнат ва моддий сарфларни ошириш эвазига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришдир. Ер бирлиги ёки бир бош чорва молигасарфланадиган меҳнат ва моддий харажатлар самарасиз ўсиши мумкин эмас. Интенсив ривожланишнинг иқтисодий моҳияти шундаки, сарфланаётган меҳнат ва моддий харажатларнинг ўсиши нисбатан олинаётган маҳсулот миқдори тезроқ ўсиши керак. Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир бирлиги таннархи нисбатан камайиб бориши лозим. Интенсив ривожланиш йўлининг имкониятлари чекланмаган бўлиб, ресурслар танқислиги ёки чекланганлиги шароитида жуда муҳим аҳмиятга эга. Шу сабабли ҳам мамлакат иқтисодиёти тармоқларини, жумладан, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш ҳар бир давлат иқтисодий сиёсатининг асосини ташкил этади.

Фан – техника тараққиёти деганда фаннинг, техниканинг ва технологиянинг барқарор ривожланиб бориши тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, фан – техника тараққиёти – мавжуд билимлар натижасида уларнинг бойитилиши ва бойитилган билим асосида янги унмилар техникалар, прогрессив технологияларнинг яратилишидир. Олдингисига қараганда унмилар техника ва технологиялар яратилиши натижасидагина интенсивлаштириш чексиз ривожлантирилиши мумкин.

Фаннинг ривожланиши натижасида ўсимлик ва чорва ҳайвонларининг янгидан – янги хусусиятлари очилмоқда. Натижада, ушбу янги хусусиятлар талабидан келиб чиққан ҳолда технологиялар ўзгаради ва маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди. Бу борада фан – техника тараққиётининг ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга таъсири чекланмаган. Ишлаб чиқаришга қишлоқ хўжалиги экинлари янги навларининг жорий этилиши билан интенсивлаштириш янада кучаяди. Ҳозирда пахта ва бугдойнинг серхосил навлари яратилмоқда. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигини янги босқичга кўтаради. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ишлаб чиқариш концентрациясини оширади, корхоналарда ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни кучайтиради. Ихтисослашувнинг

кучайиши ишлаб чиқаришнинг механизациялашиш жараёнини оширади, маҳсулотлар бирлиги таннархининг нисбатан ошиб кетмаслигини таъминлайди. Бу эса, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самараси ошишига олиб келувчи асосий омиллардан биридир.

Фермер хўжалиги интенсивлаштириш - кўп жиҳатли жараён бўлиб, ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришда қуйидаги омиллар муҳим ҳисобланади:

- 1).Иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуриш.
- 2).Етиштирилган маҳсулотларни асраш, уни нобудгарчилигини олдини олиш.
- 3).Фермер хўжалиги ишлаб чиқаришини кимёлаштириш.
- 4).Мелиорациялаш - суғориш, зах қочириш, ерни оҳаклаш, шўрни ювиш тадбирларини ўз вақтида, сифатли амалга ошириш тадбирлари;
- 5).Ресурс талабчанлиги кам бўлган интенсив технологияларни қўллаш..
- 6).Чорва молларининг таркиби сифатини ва уларнинг озуқа базасини яхшилаш.
- 7).Ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ихтисослаштиришни такомиллаштириш.
- 8).Мутахассисларнинг малакасини ошириш.
- 9).Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқлари ва илғорлар тажрибасини тадбиқ этиш.

Интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар унинг иқтисодий моҳиятини очиқ беради. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг иқтисодий самарадорлиги бир қанча кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Уларга қуйидагилар киради.

8. Ҳосилдорлик, ц/га.
9. Ер майдони бирлигидан олинаётган ялпи маҳсулот.
10. Бир бирлик ер майдонидан олинадиган фойда миқдори.
11. Меҳнат унумдорлигининг ошиши.
12. Маҳсулот бирлиги таннархининг нисбатан пасайиши.
13. Рентабелликнинг ўсиши.
14. Фонд қайтимининг ошиши.

Фермер хўжалигини интенсив ривожланиш даражасини ўзида акс эттирувчи қиймат кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

1. Бир гектар ер майдонига тўғри келган асосий ишлаб чиқариш харажатлари ва жорий ишлаб чиқариш харажатлари (амортизациядан ташқари). Бу кўрсаткич қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади.

$$Ид = \frac{Иф+Ис}{Е}$$

бунда: Ид- интенсивлик даражаси,
Иф- асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати,
Ис- жорий ишлаб чиқариш сарфи,
Е- ер майдони

Интенсивлик даражаси кўрсаткичи қишлоқ хўжалигининг қай даражада интенсив ривожланганлигини ўзида акс эттиради;

2.Бир гектар ер ҳисобига тўғри келган асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати. Бу кўрсаткич ҳар гектар ер майдони ҳисобига қанча ишлаб чиқариш воситалари тўғри келишини ўзида акс эттиради;

3.Бир гектар ер ҳисобига тўғри келган жорий ишлаб чиқариш харажатлари. Бу кўрсаткич ҳар гектар ер ва ҳар бир қишлоқ хўжалик ҳайвонларидан олинган маҳсулот учун бевосита сарфланган харажатлар миқдорини ўзида ифода этади;

4.Бир гектар ер ҳисобига тўғри келган жонли меҳнат сарфи. Бу кўрсаткич маҳсулот етиштиришда сарфланаётган жонли меҳнат ҳиссасини кўрсатади.

Шундай қилиб, интенсивлаштиришнинг натурал ва қиймат кўрсаткичлари ёрдамида интенсивлашнинг иқтисодий самарадорлик даражасини аниқлаш мумкин.

Молиявий натижалар корхона молиявий барқарорлик ҳолатини акс эттирувчи иқтисодий кўрсаткичдир. Шунинг учун фермер хўжалигини молиявий натижаларини ўрганганимизда таҳлилни ўз ичига олган давр мобайнида маҳсулот сотишдан тушган тушум ҳажми 141,28 фоизга, маҳсулот таннархи 139,67 фоизга, ялпи фойда ҳажми 147,84 фоизга ўзгарганлиги жадвал маълумотларидан маълум.

Кейинги пайтда фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб қувватлаш ишлари сезиларли оширилди. Уш бу молиявий қўллаб қувватлаш натижасида давлат биргина “Умид” фермер хўжалигига 2010 йилда 3142 минг сўм, 2011 йилда 16104 минг сўм, 2012 йилда 12663 минг сўмлик қўллаб қувватлаш ишлари амалга оширилган.

Эътиборли жиҳати шундаки фермер хўжалиги асосий фаолият тури зарар билан якунланган, давлат томонидан берилган молиявий қўмаклар орқали пировард натижа фойда билан якунланган.

Фермер хўжалигининг маълумотлари таҳлил қилиниши натижасида бир қанча иқтисодий кўрсаткичларнинг паст даражада эканлиги маълум бўлди. Фермер хўжалигида қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришнинг самарадорлигини ошириш, иқтисодий фойда олишга эришиш учун барча чора тадбирладан фойдаланиш зарур. Чунки хўжаликда қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти етиштириш учун сарфланган меҳнат сарфини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш лозим. Шу мақсадда эришилган барча муваффақиятлар ва камчиликларни келиб чиқиш сабабларини аниқлаш учун янги имкониятларни топиш керак.

Мавжуд камчиликларни йўқотиш ва қишлоқ хўжалик корхонасида меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ҳамда фермер хўжалигининг истиқболдаги ишлаб чиқариш фаолиятини яхшилаш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

-Қишлоқ хўжалик корхонасида меҳнатни тўғри ташкил қилиш

-Корхонада ходимлар қунимсизлигига барҳам бериш

-Ходимларни малакасини ва сафарбарлигини ошириш

-жонли меҳнатни тежаш ва ехнизациялашган меҳнатни олириш

-Иш вақти фондини тўғри режлаштириш ва ундан самарали фўйдаланиш

-Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида мавсумийликни қисқартириш

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш.

Бу, ўз навбатида, ҳосилдорликнинг ўсишига олиб келади;

- алмашлаб экишни тўғри жорий қилиш, талаб ва имкониятдан келиб чиққан ҳолда экин турларини жойлаштиришни рационал ташкил этиш;

- уруғчиликни яхшилаш, селекция ишларни жонлантириш;

- минерал ва органик ўғитлардан фойдаланишни илмий асосга қўйиш, барча кимёвий воситалардан самарали фойдаланиш;

- ишчи ходимларнинг манфаатдорлигини ошириш.

Дехқончилик тармоқларида маҳсулотлар таннархининг паст бўлишига харажатларни тежаш ҳам катта таъсир кўрсатади. Бу борадаги омилларга қуйидагилар киради:

-ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаштириш;

- экинларни парваришда интенсив технологияларни қўллаш;

- ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш;

- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва жойлаштириш;

- ишчи ходимларнинг манфаатдорлигини ошириш;

- агросаноат интеграциясини чуқурлаштириш, агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларнинг мутаносиб ривожлантирилиши;

- бошқарув тизимини ривожлантириш ҳисобига у билан боғлиқ харажатларни тежаш;

- қишлоқ жойларда ижтимоий ривожланишни таъминлаш.

Пахтачилик тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришни рентабеллик даражасини кўтаришда муҳим ўрин тутган омил ва йўналишларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- Дехқонларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш. Бунда ишлаб чиқариш воситаларига мулкчиликни ўзгартириш ишлаб чиқарилган маҳсулот эгалик қилиш ва уларни тақсимотини ишлаб чиқарувчиларни ўзлари белгилашни амалга ошириш.

- Тармоқларни интенсивлаштириш илмий асосланган деҳқончилик хўжаликни юритишни йўлга қўйиш, тараққий этган технологияларни тадбиқ қилиш, агротехника жараёнини сифатини кўтариш, ўсимликларни навларини яхшилаш орқали уларни ҳосилдорлигини ошириш.

Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштиришга алоҳида эътибор бериш орқали маҳсулотта сарфланадиган меҳнат харажатларини пасайтиришга эришиш.

Маҳсулот сифатини яхшилаш ва уни харидорғирлигини ошириш.

- Ишлаб чиқариш ресурслари тежамкорлигига эришиш интенсив технологияларни жорий этиш орқали маҳсулот таннархини пасайтиришга эришиш.

Ушбу омилларнинг барчасига катта эътибор бериш зарурати мавжуд. Албатта, бу масалаларни тўғри ҳал этиш ишчи ходимларнинг нафақат манфаатдорлигига, балки билим ва тажрибаларига ҳам боғлиқ. Шу сабабли фермер хўжалигида меҳнат қилаётганларнинг билим ва тажрибасини тинмасдан ошириб боришни таъминлаш керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва асарлари ҳамда меъёрий ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, кодекслари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент «Ўзбекистон», 2001 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси Тошкент «Ўзбекистон» 1996 йил
3. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрирда), Тошкент “Адолат”, 1998 йил

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

5. Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 13 ноябрь.
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари // – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
7. Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” Тошкент “Ўзбекистон” 2012 йил
8. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз –кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” Халқ сўзи 2013 йил 19-январь
9. Каримов И.А “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”. Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

1.4. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари меъёрий-ҳукукий ҳужжатлари

10. Меҳнат ресурслари балансини тузиш ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни аниқлаш услубияти бўйича ўқув-услубий қўлланма. —Тошкент «Фан» 2002 йил.
11. «Ўзбекистон Республикаси аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларини хўжалик харажатлари ва уларда ахборот технологияларини яратиш харажатларини қоплаш жамғармасини ташкил этиш ва маблағларни сарфлаш тартиби тўғрисида” Йўриқнома, тошкент 2001 йил, апрел

II. Дарсликлар

12. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. -Тошкент «Меҳнат» 2004 йил
13. Абдурахмонов К.Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социалогияси Дарслик Тошкент «Уқитувчи» 2001 йил
14. Абдукаримов Б.А Корхона иқтисодиёти Дарслик Тошкент «Фан» 2005 йил

15. Жураев Ф. Кишлоқ хужалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш Дарслик Тошкент «Истиклол» 2004 йил
16. Корнаи Я. Путь к свободной экономике: (Страстное слово в защиту экономических преобразований). М.: Экономика, 1990. – 26-бет.
17. Назаров А.Ш. Мехнатни ташкил этиш ва нормалаш Дарслик Тошкент «УЁУАЖ» 2004 йил

III Укув қўлланмалар

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. – 2010
19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2010. – 146 бет
20. Умурзоков У.П. Кишлоқ хужалик иқтисодиёти ва менежменти укув кулланма Тошкент «Иқтисод-молия» 2008 йил
21. Холмуминов Ш.Р. Моделирование сельского рынка труда. -Т.: «Фан», 1996.
22. Нишон “Умид” фермер хўжалигининг 2010, 2011, 2012 йиллар бизнес режаси ва ишлаб чиқариш ҳисоботлари

Ҳ.Статистик маълумотлар тўплами

23. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари. Демографический ежегодник Узбекистана. Т.: 2006. 285-287 стр.
24. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлигининг 2011-2012 йиллар ҳисоботи.

Ҳ. Виртуал кутубхона электрон дарсликлари ва ўқув қўлланмалари

25. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2004. – 9-сон.
26. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида. Экспресс-проспект. (Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Ғафуров У.В. ва Неъматов И.У.). - Т.: Иқтисод